

ИККИ ТАРЖИМАНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ширинова Р.Х., Қўлдошева М.Б.*

Ҳар бир халқ маданияти албатта тилда таржимашунослик фани орқали ўз аксини топади. Топилма процесси бу фақатгина тилдаги бир сўзни бошқа тилга, оддийгина ўгириш эмас, балки маълум халқ маданиятини иккинчи халқ тилида тўлиқ акс эттира бериш демакдир. Шундай экан, асарда тасвирланадиган халққа, миллатга хос атамаларни иккинчи бир тилга ўгириш, бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

Миллий хос сўзлар таржимаси таржимашуносликнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб, ҳозирга қадар рус олимларидан А.Д. Швейцер, В.Н. Комиссаров, Л.С.Бархурадов, И.И.Ревзин, В.Ю.Розенцвейг, Г.Д.Томахин ва болгар олимларт С.Влахов, С.Флоринлар бу борада бир қанча ишлар қилганлар. Ўзбек таржимашунослигида реалиялар таржимасининг у ёки бу масалаларини олимларимиз Р.Ф.Файзуллаева, Н.В.Владимирова, И. Мирзаев, Ю.Пўлатовларнинг ишларида учратамиз.

Миллий хос сўзларнинг таржимашуносликда энг кам ўрганилган кўринишларидан бири диний реалиялар бўлиб, уларнинг таржимада берилишини таниқли француз адаби П.Мериме каламига мансуб «Маттео Фальконе» ва «Таманго» новеллаларининг икки мутаржим — Нурбек ва Озод Шарафиддиновлар томонидан амалга оширилган таржималарини қиёсий ўрганиш орқали кўриб чиқамиз.

Умуман, П.Мерименинг асарлари XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўзбек тилига таржима қилина бошлаган. 1961 йил Ўздавнашр «Таманго» номли китобчани нашр қилди. Китобга тапикли француз адаби П.Мерименинг икки машхур новелласи «Маттео Фальконе» ва «Таманго»лар киритилган эди. Бу новеллаларни рус тилидан ўзбек тилига мутаржим Нурбек (Нурбек Турмухамедов) таржима қилган.

1963 йили П.Мерименинг «Кармен» новелласи Рустам Комилов таржимасида ўзбек тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Озод Шарафиддинов амалга оширган таржималар ўзининг бадий мукамаллиги билан илгариги таржималардан алоҳида ажралиб туради. Бу таржималар сифатининг анча кўтарилгани, ўзбек таржимачилиги, буквализм ва формализмдан, орткича дабдабозликдан халос бўлганлигини кўраамиз. Бироқ новеллалар таржималарини синчиклаб ўрганар эканмиз, О.Шарафиддиновдек тажрибали ва моҳир мутаржим ҳам диний реалияларни ўзбек китобхонига тўғри етказишда айрим қийинчиликларга дуч келганининг гувоҳи бўламиз. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат қиламиз.

«Маттео Фальконе» новелласи қисқагина бўлишига қарамай, нафақат Мериме ижодида, балки француз новеллачилиги тарихида ҳам алоҳида ўринга эга шох асарлардан бири ҳисобланади. Новелланинг бош қаҳрамони корсикалик Маттео Фальконе оиласи шаънига доғ туширгани учун уч қиздан кейин туғилган, хонадоннинг орзу-умиди, меросхўри

бўлган ўн яшар ўғли Фортунатони ўз қўли билан отиб ўлдиради.

Маттеонинг хотини рўй беражак мудҳиш воқеанинг олдини олишдан ожиз. Бироқ шундай бўлса ҳам у, чин юракдан ибодат қилиб, Яратгандан мадад сўрайди. Оригиналда ушбу жумла қуйидагича:

Giuseppa embrassa son fils et rentra en plurant dans sa cabane: "elle se jeta à genoux devant une image de la Vierge et pria avec ferveur"

Ҳар икки таржимон ҳам новеллани ўзбек тилига рус тилидан ўтирганликлари учун асарнинг русча вариантга мурожаат қиламиз:

Н.Немчинова таржимаси:

«Джузеппа обняла сына, и плакала, вошла в хижину. Она бросилась на колени перед изображением пресвятой девы и стала горячо молиться» (2.18)

Нурбек таржимаси:

«Жузеппа ўғлини бағрига босди ва йиғлаб-йиғлаб уйига қайтди. У бут олдида тиз чўкиб, жон-жаҳди билан чўқина бошлади». (3.18)

О.Шарафиддинов таржимаси:

«Жузеппа ўғлини ўпди ва йиғлаганича уйга кириб кетди. У ичкарига кириши билан Биби Марямнинг сурати қаршисида тиз чўкиб, сидқидилдан ибодат қила бошлади» (4.241)

Мазкур парчанинг ўзбекча таржималарида бизни Жузеппани ўғлини «бағрига босгани» ёки «ўпгани» эмас ва ҳатто, унинг «кулбага» ёхуд «уйга» киргани эмас, балки нима қаршисида тиз чўкиб, қандай ибодат қилгани қизиқтиради.

Н.Немчинованинг русча вариантыда: «Она бросилась на колени перед изображением пресвятой девы и стала горячо молиться», дейилган.

Нурбек таржимасида эса *изображением пресвятой девы* «бут»га айланиб қолган. Маълумки, бутда хочланган Исо пайғамбар тасвирланган, *изображением пресвятой девы* дейилганда эса Биби Марям назарда тутилмоқда. Бечора онанинг «жон-жаҳди билан чўқиниши» ҳам мантикдан йироқ. Чўқиниш бошқа ҳар қандай ибодат каби самимий, сидқидилдан бўлмоғи даркор. Шу нуктаи назардан олиб қараганда, О.Шарафиддинов юқорида келтирилган жумлани: «У... Биби Марямнинг сурати қаршисида тиз чўкиб, сидқидилдан ибодат қила бошлади» деб тўғри таржима қилган.

Бироқ О.Шарафиддинов ҳамма жойда ҳам бирдай тўғри йўл тутган деб бўлмайди. Масалан:

Ота ўғлини ўлдиришдан олдин унга ибодат қилиб олишни буюради:

Аслиятда:

- «Dis tes priers.
- Mon père, mon père, ne me tuez pas.
- Dis tes prières, repeat Mateo d'une vois terrible. L'enfant, tout en balbutiant et en sanglotant, récitait le Pater et le Credo. Le père, d'une voix forte, répétait Amen ! à la fin de chaque prière.
- Sont ce la toutes les priers que tu sais ?
- Mon père, je sais encore l'Ave Maria, la litanie que ma tante m'a appris.

*Ширинова Р.Х. — ЎЗМУ хорижий филология факультети доценти

Қўлдошева М.Б. — ЎЗМУ хорижий филология факультети ўқитувчиси

Elle est bien longue ; n'importe." (1.47)

Русча таржимада эса:

- "Молись!
- Отец! Отец! Не убивай меня!
- Молись! - повторил Матео грозно.
- Запинаясь плача, мальчик прочитал «Отче наш» и «Верую».
- Отец в конце каждой молитвы твердо произносил «аминь».
- Больше ты не знаешь молитв?
- Отец! Я знаю еще «Богородицу» и литанию, которой научила меня тетя. Она очень длинная...
- Ну все равно, читай." (2.45)
- Мазкур парчани Нурбек куйидагича таржима қилган:
- "Ибодат қил!
- Ота, отажон, ўлдирма мени!
- Ибодат қил! - деди Матео шиддат билан.

Бола йиғлаб, тугила-тутила «Отче наш» ва «Имон» калимасини ўқиди. Матео ҳар иккала калимадан кейин ҳам катъий овоз билан «Омин» деди.

- Биладиган дуоларининг ҳаммаси шуми?
- Ота, мен яна «Биби Марям» билан литанияни ҳам биламан, холам ўргатган эди.
- Жуда ҳам узун дуо, майли ўқи." (3.19)
- Айни шу парчанинг О.Шарафиддинов ўзбекчага ағдарган муқобили куйидагича:
- "Ибодат қил!
- Ота, отажон, ўлдирма мени!
- Ибодат қил! - ғазаб билан такрорлади Матео.

Бола дудуклана, кўзида ёш билан иккита дуо ўқиди. Ҳар қайси дуонинг охирида отаси катъий оҳангга «омин» деб қўйди.

- Бошқа дуони билмайсанми?
- Ота! Яна бир дуони биламан. *Биби Марям ҳақида*. Холам ўргатган эди.

Жуда узун дуо...

- Майли, ўқи." (4.242)

Келтирилган парчанинг ўзбекча ҳар иккала вариантини русча матн билан солиштириб кўриб, Нурбек тўғри йўл тутганига шубҳамиз қолмайди. Таржимон русча матндаги ҳар иккала калиманинг номини ўзбекчада сақлаган (биринчисини «Отче наш» деб айнан қолдириб, иккинчисини «Имон» дея таржима қилган ҳолда бўлса ҳам). Отасининг «Биладиган дуоларининг ҳаммаси шуми?» деган саволига Фортунато айнан русча матндагидек жавоб беради: «Мен яна «Биби Марям» билан литанияни ҳам биламан». О.Шарафиддинов таржимасида эса юқорида келтирилган «Отче наш» ва «Верую» дуоларининг номлари русча кўринишда ҳам, ўзбекча шаклда ҳам берилмаган. Бунинг устига, Фортунато отасининг «Бошқа дуони билмайсанми?» деган саволига «Яна бир дуони биламан» деб жавоб беради ва бу дуо «Биби Маарям ҳақида» деб аниқлик киритади. Ваҳоланки, аслиятда (бу ерда русча матнда) ва Нурбек таржимасида бола яна икки дуони билишини, бу дуоларнинг биринчиси Биби Марям ҳақида, иккинчиси эса литания эканлигини маълум қилади.

Келтирилган мисоллардан яна шу нарса

кўриниб турибдики, таржимонларимиз французча «ргіе» ёки русча «молитва» сўзини ўзбекчада «калима» ёхуд «дуо» сўзлари билан берганлар. О.Шарафиддинов қўллаган «дуо» сўзи нейтраллиги билан ажралиб турса-да, Нурбек ишлатган «калима» аслиятнинг миллий ўзига хослигини ва новелла персонажлари христиан динига мансуб эканликлари сусайтиргандек туюлади. Матнда аниқ маъно ифодаловчи бундай реалияларнинг таржимада умумий маъно англатувчи сўзлар билан бериш тамойилини таржимашунос З.Содиқов **таржимада маъқуллаштириш** деб баҳолаган эди. (5.88) Бироқ Нурбек новелла охиридаги куйидаги жумлаларни таржима қилар экан, юқорида ўзи йўл қўйган ҳатти тозатгандек бўлади:

Ўғлини жарда отиб ўлдирган Матео уйига қайтаётиб ўқ овозидан хавотирланиб, югуриб келаётган Жузеппага дуч келади. Хотинининг: «Фортунато қани? - деб берган саволига эр куйидагича қуруқгина жавоб беради:

Аслиятда:

«- Dans le ravin. Je vais l'enterrer. Il est mort en chrétien. Je lui ferai chanter une messe.» (1.8.)

Русча матнда:

«- В овраге. Я сейчас похороню его. Он умер христианином. Я закажу по нем панихиду». (2.17)

Нурбек таржимасида:

берди. Дуон фотиҳа ўқиттираман.» (3.19)

О.Шарафиддинов таржимасида:

«- Чукурда. Мен уни ҳозир қўмаман. Имони ўзида кетди. Мен унинг хотирасига жаноза ўқиттираман.» (4.242).

Кўриниб турганидек, ҳар икки ўзбек мутаржимининг русча «Он умер христианином» жумласига муқобил сифатида таклиф қилган вариантлари, яъни «У христиан мазҳабида жон берди» ҳамда «Имони ўзида кетди» жумлаларини қабул қилса бўлади. Бироқ Нурбек таклиф қилган «дуон фотиҳа ўқиттираман» жумласида нейтраллик сақланса-да, О.Шарафиддинов келтирган «Мен унинг хотирасига жаноза ўқиттираман» жумласи аслиятнинг миллий ўзига хослигига пугур етказди ва француз адабининг новелласида сўз юритилаётган шу қадар драматик воқеа насроний дунёсида эмас, балки ислом оламида рўй бергандек таассурот туғдиради.

Таржимада аслиятнинг миллий ўзига хослигини сақлаш мутаржимдан реалияларнинг барча турлари ва кўринишларидан чуқур ҳабадор бўлишни тақозо этади. У ёки бу асарни таржима қилишда мазкур таржимани ўқийдиган китобхоннинг аслият тилида сўзлашувчи халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан қанчалик таниш эканлигини ҳам ҳисобга олимоқ лозим. Ушбу масалага масалан, рус китобхони нуқтаи-назаридан ёндашилса, аҳвол бирмунча ўзгача бўларди, зеро қўллаб сўзлар, айниқса диний терминлар рус ва француз тилларида бир маънони англатади. Бу албатта шу тилда сўзлашувчи миллатларнинг бир диннинг икки мазҳабига мансублиги, кўп асрлик маданый, маънавий ва бошқа алоқалар билан боғлиқ. Аммо, айнан ўша диний терминларни ўзбек тилига таржима қилишда кўпинча қийинчиликлар туғилади.

Маълум бўладики, гоҳ таржима жараёнида

аслият матнини соддалаштириш ва миллийлаштиришга уриниш, гоҳ диний таълимотларни етарлича билмаслик натижасида бошқа динга мансуб халқлар адабиётидан таржималарда кўплаб хатонуксонларга йўл қўйилмоқда. Албатта, бир қатор умумий истилоҳ — тушунчалар (масалан, худо, пайғамбар, ваҳий, ибодат, дуо, муножот ва ҳ.к.) ҳам борки, уларни ҳар қандай динга нисбатан қўллаш

мумкин. Лекин у ёки бу диний таълимотнинг асосий тушунчаларини ифодаладиган истилоҳлар (масалан, христианликда — пасха, черков, рождество, хаворий, рухоний; исломда — намоз, ҳаж, хайит, саҳоба, имом ва ҳ.к.)ни бошқа диндаги атамалар билан алмаштириш мумкин эмас. Бу ҳол диний реалиялар таржимасига алоҳида тайёргарлик ва масъулият билан ёндашишни тақозо қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Merime P. Nouvelles. Mateo Falcone. Moscou, 1976.
2. Мериме. П. Избранные новеллы. М., ГИХЛ, 1953.
3. Мериме П. Таманго. Новеллалар. Т., 1961.
4. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси. Т., 1978.
5. Содиков З. Таржимада мавхумлаштириш. Республика ёш адабиётшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Т., 1993.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящается сравнительному анализу переводов реалий с французского языка на русский и узбекский языки. Переводы реалий даются примерами.

RESUME

This article is devoted to the comparative analysis of the translation of French realias in to Russian and Uzbek the translation of realias are given by examples.